



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги
“Фуқаролик ҳолати даволатномаларини кайд этиш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-3785-сонли қарори ҳақида**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФХДЁ органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини яхшилаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги “Фуқаролик ҳолати даволатномаларини кайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3785-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъқур қарори билан:

а) Қўйилди:

биринчи - ваколатли органларда туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш, фамилия, исм ва ота исмининг ўзгариши каби воқеа ҳамда фактларни кенг камровли кайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

иккинчи - энг муҳим юридик фактларни кайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саволдонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда конун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг камровли ҳуқуқий тартибот ишларни олиб бориш;

учинчи - ФХДЁ органларининг оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оила ажралишларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол иштирок этиш;

тўртинчи - ФХДЁ органлари фаолиятида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини энгиллаштиришга, жумладан, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига бормасдан хизматлар кўрсатилишига, хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга, экстерриториаллик принципини асосида архив маълумотномалари ва ахборотини олиш имкониятини берувчи фуқаролик ҳолати ягона электрон архивини шакллантиришга қаратилган инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жадат жорий этиш;

Бешинчи - фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида кайд этиш борасида фуқаролик ҳолати даволатномаларини кайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

олтинчи - маъқур соҳада бироқратия ва коррупцияга қарши курашнинг олдини олишга қаратилган идорадагарио электрон ҳамкорликни кенгайтириш орқали, жумладан, олис жойлардаги аҳоли пунктларига чиққан ҳолда (“мобиль давлат хизматлари”) давлат хизматлари кўрсатишининг мақбул ва қулай услубларини ишлаштириш;

еттинчи - ФХДЁ органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида қулайликни ва шаффофликни таъминлаш, ходимлар томонидан қасб этикеси қондаларни ва функциянал вазифаларга амал қилиш, фуқаролик ҳолати даволатномаларини сифатли ва тезкор кайд этиш, давлат божи ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши устидан назоратнинг янги шаклларини, жумладан, масофавий назоратни жорий этиш;

саккизинчи - аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишни назарда тутган ҳолда давлат божи ставкаларини, терб йиғимларини ва ФХДЁ органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизмат тарифларини оптималлаштириш фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш институтини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишга адиля органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармонига асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб ФХДЁ органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФХДЁнинг ҳулдий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

в) Маъбуриятларни мувофиқ тақсимлаш ва жавобгарлик соҳаларига асосан:

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари (кейинги ўринларда - ФХДЁ бўлимлари) фаолияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарликни амалга ошириши;

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари - туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари раислари оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида кайд этиш, тартибот ва маърифат бўйича чора-тадбирларни кўришга шахсан масъул ҳисобланиши;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори ФХДЁ бўлимларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини техник таъминлаш

ва юритиш, шунингдек, ФХДЁ архивларига раҳбарлик қилишга масъул ҳисобланиши;

туманлар (шахарлар) ФХДЁ бўлимлари мудирлари қайд қилинаётган фуқаролик ҳолати даволатнома ёзувларининг қонунийлиги учун шахсан масъул ҳисобланиши;

г) Фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

д) 2018 йилнинг 1 июлидан:

никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишувни нотарал тасдиқлашлик;

судлар томонидан оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўриданлик учун давлат божи ундирилиши бекор қилинганлиги;

е) ФХДЁ органларини, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларини ва фуқаролар йиғинларини катъий ҳисобда турувчи гербли тўвоҳномалар бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинганлиги.

ж) 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маҳсус газначилик шахсий ҳисобварағига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи, шунингдек, ФХДЁ бўлимлари томонидан кўрсатилган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маҳсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварағига йўналтирилиши ва фақат ФХДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлари, ҳокимларнинг узоқ муددат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун кўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи миқдоригача шахсий устамалар) ишлагилиши;

маҳсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги та манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йилнинг 1 январдан бошлаб ФХДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, шунингдек туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноёб қолди унификацияланган электрон маълумотнома беришнинг ягона тартибини жорий қилиш;

2019 йил 1 январга қадар фертиль ёшдаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳамиладорлиқнинг эрта босқичдан чақалоқ туғилгунга қадар ҳисобини олиб боришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда

уни “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими билан интеграция қилишни таъминлаш топширилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 1 июлга қадар ФХДЁ бўлимлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотлар қисмини ҳамда уларга тегишли жиҳозлар, инвентарлар, хужжатлар ва бошқа мулкларнинг белгиланган тартибда туманлар (шахарлар) ҳокимликларига берилишини таъминлаши;

ФХДЁ органлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг бир қисми ўз мақсадларида фойдаланиш учун адлия органларида сақланиб қолинishi;

туманлар (шахарлар) ҳокимиятларига берилган ФХДЁ бўлимларининг бино ва иншоотларидан кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни бегоналаштиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда руҳсат берилиши белгилаб қўйилганлиги;

к) Қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шахарлар) ҳокимлари бошчилигида 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда Худудий комиссиялар ташкил этилганлиги;

Худудий комиссияларга:

2019 йилнинг 1 июлга қадар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нуктаи назаридан тўлиқ ҳагловдан ўтказиш, унинг натижасида туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ манзилли қайд этилишини таъминлаш;

ўз фаолиятида туғилганлик ҳақидаги тўвоҳномаи мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашга алоҳида эътибор қилиш, бунга “Биронга ҳам бола қайд этилмастан қолиши мумкин эмас” ва “Туғилганликни қайд этилиши – бола хужжатларини руёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳужжкий асосидир” деган эзгу ғойларга амал қилиш топширилганлиги;

м) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигига:

кейинчалик “Ягона электрон ФХДЁ архиви” ахборот тизими билан интеграция қилиш учун ФХДЁ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати даволатномалари ёзувларини рақамли кўринишга ўтказилишини, ягона электрон ФХДЁ архив фонди шакллантиришни 2022 йил 1 январга қадар тугатиш;

даволатномалар ёзувлари маълумотларини “Ягона электрон ФХДЁ архиви” ахборот тизимига киритиш бўйича ишларни бажариш учун юрридик шахслар билан шартномадорларини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябрдан давлат божи, герб йиғимлари ва бошқа тўловларни тўлашда электрон тўловлар (бийнинг) механизмини тўлақонли жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019

Йилнинг 1 январидан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кайд этилишида чакалоқларга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами берилишини амалга яшириш жорий этиш топирилганлиги.

п) 2021 йилнинг 1 июлига қадар муддатда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рақамли кўриништа ўтказиш, илораларо электрон ҳамкорлик тизимини яратиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олинб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сканер қилиш қурилмалари, сервер ва бошқа жиҳозлар ҳамда эҳтиёт қисмлар, бўғловчи бўюмлар божхона тўловларидан (божхона расмиёлаштирувчи йиғимларидан ташқари) озод этилганлиги.

о) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда қуйидагиларни:

ФХДЁ органлари ҳамда ФХДЁ бўлимлари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низоомлар;

ФХДЁ бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари;

ФХДЁ бўлимларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари;

мартaba даражалари учун судлар ва адлия органлари ходимларининг лавозим машошарига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорларини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш топирилганлиги.

п) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва илоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш топирилганлиги таълимот учун қабул қилинсин.

3. Нуқусе шахар ва туманлар хокимликларига:

Қайд этилган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида кайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шахар) хокимлари бошчилигида иловага мувофиқ намунавий таркибда худудий комиссиялар ташкил этилсин.

Худудий комиссиялар:


2019 йилнинг 1 июлига қадар кайд этилган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нуқтаси назаридан тўлиқ ҳагловдан ўтказиш, унинг натижасида туғилганлик, ўлим ҳолатларининг конун ҳужжатларига мувофиқ манзилли кайд этилишини таъминласин;

Ўз фаолигида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаи мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашга алоҳида эътибор қилиш, бунда "Биронта ҳам бола кайд этилмасдан қолиши мумкин эмас" ва "Туғилганликни кайд этилиши - бола ҳуқуқларини руёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишининг ҳуқуқий асосидир" деган эътиборларга амал қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг иккунини Умардет қатлишини ўз зиммада қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев



Приложение
к постановлению Совета Министров
Республики Каракалпакстан
от "12" июля 2018 года
№ 172

ТИПОВОЙ СОСТАВ территориальной комиссии по выявлению незарегистрированных случаев рождения и смерти

1. Хаким района (города) - руководитель комиссии
2. Заместитель хакима района (города) - председатель комитета женщин района (города) - заместитель руководителя комиссии
3. Заведующий Народной приемной Президента Республики Узбекистан по району (городу)
4. Председатель межрайонного (районного, городского) суда по гражданским делам
5. Прокурор района (города)
6. Начальник отдела внутренних дел района (города)
7. Главный врач районного (городского) медицинского объединения
8. Начальник районного (городского) отдела народного образования
9. Начальник районного (городского) отдела дошкольного образования
10. Начальник отдела статистики района (города)
11. Руководитель районного (городского) отдела Центра «Ойла»
12. Главный имам района (города) (по согласованию)
13. Депутаты местных Кенгашей народных депутатов (по согласованию)
14. Председатель районного (городского) подразделения Союза молодежи Узбекистана
15. Заведующий районным (городским) отделом ЗАГС - секретарь комиссии.

Примечание: в состав комиссии включаются также председатели стога граждан на соответствующей территории.

